

Қизириқ тумани ҳокимлигининг бошқарув ходимлари учун ЭКСПРЕСС-ТРЕНИНГ бўлиб ўтди.

Қизириқ тумани ҳокимлигининг бошқарув ходимлари учун ЭКСПРЕСС-ТРЕНИНГ бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, янги компетенцияларни ўргатиш вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур тренингдан кўзланган асосий мақсад раҳбар ходимларда ҳудуднинг иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларининг бориши ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида билим ва кўникмаларни ривожлантиришдан иборат.





